

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДАХМЕДОВА НОДИРА ИЛХОМОВНА**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ  
НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ  
ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти  
08.00.01-Иқтисодиёт назарияси**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.1.DSc/Iqt.95 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Назарова Фатима Хакимовна,**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Абулқосимов Хасан Пирназарович,**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ғуломов Саидахор Саидахмедович,**  
иктисодиёт фанлари доктори, академик

**Ҳасанов Рустам Раббимович,**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Умаров Сухроб Рустамович,**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги  
Вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ў.П.Умурзаков,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Султанов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.д., кат.и.х.

**Н.С.Хушматов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## Кириш (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида юзага келаётган ва хавф туғдирадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ҳамда воқеликлар мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солувчи асосий омил саналади. Бу, бир томондан, глобал иқтисодий, молиявий, аграр инкирозлар юз бериши, халқаро озиқ-овқат бозорлари қисқариши ва уларда нарх-наво ошиб бориши, иккинчи томондан эса, дунё аҳолиси сони муттасил ўсиб, урбанизация жараёнлари кучайиши шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг қисқариб бориш тенденцияси сақланиб қолаётганлигида ўз аксини топмоқда. Шу боис, 2015 йилнинг сентябрь ойида БМТга аъзо давлатлар иштирокидаги йиғилишда 2030 йилгача мўлжалланган Мингйиллик ривожланиш глобал дастури ва Барқарор ривожланиш мақсадлари қабул қилинди. Ушбу дастурда белгиланган мақсадлардан бири “очликни бартараф этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соғлом овқатланиш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш<sup>1</sup>” дир.

Глобал иқлим ўзгаришлари, иқтисодиёт глобаллашуви шароитида юқори даромад олиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларида инсон саломатлигига зарарли турли антибиотик, гормонлар ва шу каби компонент ва қўшимчалар кенг миқёсда қўлланиши натижасида дунё бозорида хавфли маҳсулотлар ҳажмлари ўсиб бориши, ўсимликлар зараркунандалари ҳамда турли хавфли вируслар тарқалиши қайд этилган муаммоларни янада кескинлаштирмоқда. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб эпидеиомологик хавф-хатарлар кучайган, яъни COVID-19 пандемияси билан боғлиқ шароитда аҳоли истеъмоли учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш масалалари дунё миқёсида энг долзарб вазифа саналмоқда. Бундай вазиятда кўплаб давлатларда кузатилган “ваҳимадор харидлар” натижасида озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари савдода бўлмаслиги, асосий экспортчи давлатлар ушбу маҳсулотлар экспортини тўхтатиши баъзи мамлакатларда маҳсулот нархлари нобарқарорлигига олиб келмоқда. Хусусан, Хитойда, коронавирус тарқалашига қарши чоралар кўриляётган давр – январь-февраль ойларида озиқ-овқат нархлари олдинги йилнинг шу ойларидагига нисбатан 21,2 фоизга ошган<sup>2</sup>.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб марказий ўринлардан бирида туради. Шу боис, озиқ-овқат хавфсизлиги ва у билан боғлиқ масалалар давлат миқёсида алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бу тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда, уларнинг ижросини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг [Электронный ресурс] URL: [www.un.org/sustainable-development/ru/issues/people/hunger/](http://www.un.org/sustainable-development/ru/issues/people/hunger/) сайти.

<sup>2</sup> Молиявий хабарларга ихтисослашган Wind Data Service ташкилотининг <https://www.wind.com.cn/en/data.html> сайти.

бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш: таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”<sup>3</sup> вазифаси қўйилган. Шунингдек, мамлакатимизда Жаҳон савдо ташкилотига киришга бўлган ҳаракатларнинг бошланиши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси нафақат ҳудудий ёки миллий, балки халқаро даражадаги долзарб масалалардан эканлигини кўрсатади. Шунингдек назардан, озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш, уни таъминлашнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда устувор йўналишларини асослаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш соҳадаги долзарб муаммолардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сон “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрь ПФ–5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 10 июль ПФ–6024-сон “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 мартдаги 205-сон “Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 17 апрелдаги 324-сон “Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича жаҳоннинг етакчи

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли фармонининг 1-иловаси. lex.uz.

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: OECD. Closing the Gender Gap: Act Now, OECD Publishing. 2012. <http://dx.doi.org/10.1787/9789264179370-en>; OECD. The ABC of Gender Equality in Education: Aptitude, Behaviour, Confidence, PISA, OECD Publishing. 2015. // URL: <http://dx.doi.org/10.1787/9789264229945-en>; Gabay-Egozi L., Shavit Y., Yaish M. Gender Differences in Fields of Study: The Role of Significant Others and Rational Choice Motivations // European Sociological Review. 2015. Vol. 31. No. 3. P. 284-297.; MOT, Statistical Definition of Informal Employment: Guidelines Endorsed by the 17 th International Confer-

илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Food and Agriculture Organization (FAO), World Trade Organization (WTO), Organization for Economic Cooperation and Development (OECD), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA), United Nations Development Programme (UNDP) (ПРООН), Stanford Junior University (АҚШ), Oxford University (Англия), The Chinese University of Hong Kong (СУНК), Институт экономики РАН (Россия), Россия Президенти ҳузуридаги халқ хўжалиги ва давлат бошқаруви академияси (Россия), Казахский национальный университет имени аль Фараби (Қозоғистон), Институт экономики Национальной академии Беларуси (Белоруссия), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) ана шулар жумласидандир.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш ва таъминлашга оид жаҳонда олиб борилган изланишлар асосида БМТ ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан барқарор қишлоқ хўжалигини юритишнинг тамойиллари, мезонлари ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизими тавсия қилинган, Economist Intelligence Unit ва Dupon трансмиллий компанияси (Буюк Британия, АҚШ)да дунё мамлакатларининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсати, ушбу борада эришган даражаларига кўра рейтингини аниқлаш услуги таклиф этилган, Россия Президенти ҳузуридаги халқ хўжалиги ва давлат бошқаруви академиясида (Россия) эса озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини ҳудудлар кесимида аниқлаш услугиёти ишлаб чиқилган.

Ҳозирги даврда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва баҳолаш бўйича, жумладан қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини чекланган ресурсларни эътиборга олган ҳолда комплекс баҳолаш; глобал иқлим ўзгаришига мослашган қишлоқ хўжалигини шакллантириш; қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти тизимига рақамли иқтисодиётни жорий қилиш; метеорологик омилларнинг қурғоқчиликка таъсирини баҳолаш ҳамда истиқболда ушбу таъсир тенденциясини илмий башоратлаш; органик қишлоқ хўжалигини шакллантириш ва ривожлантириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсатини юритиш ва бошқалар.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодий тизимида глобаллашув жараёнлари жадаллашган шароитида иқтисодий хавфсизлик, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини илмий тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида иқтисодий хавфсизлик, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари М.Г.Алимжанова, А.Н.Анищенко, К.М.Бекмухамедова, А.М.Жондарев, Л.П.Гончаренко, А.А.Кайгородцев, А.В.Колосов, Э.Н.Крылатых, А.А.Лысоченко, В.З.Мазлова, Н.В.Межонова,

---

ence of Labour Statisticians, 2003г. Gender profile in UK patenting. An analysis of female inventorship. 2016. URL:

[https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment\\_data/file/514320/Gender-profiles-in-UK-patenting-An-analysis-of-female-inventorship.pdf](https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/514320/Gender-profiles-in-UK-patenting-An-analysis-of-female-inventorship.pdf).

В.И.Назаренко, Е.А.Олейников, В.К.Сенчагов, Т.В.Ускова, Фурс И.Н. ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>5</sup>. Уларнинг асарларида мамлакат иқтисодий хавфсизлиги, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини глобал, миллий ва ҳудудий даражада баҳолаш ва таъминлашнинг назарий-услубий ва амалий жиҳатлари батафсил ёритилган.

Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизлик, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари О.А.Абдуғаниев, Ҳ.П.Абулқосимов, С.С.Бекенов, Б.Б.Беркинов, Б.Э.Мамарахимов, Т.С.Расулов, Ш.Р.Қобилов, Д.Н.Саидова, Т.С.Расулов, И.Б.Рустамова<sup>6</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Шунингдек, республикамизда аграр иқтисодчи олимларидан Ф.Назарова, А.Мухторов<sup>7</sup>лар томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш ва глобаллашув шароитларида аграр соҳани ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилган. Аммо республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш ва таъминлашни илмий-назарий ҳамда услубий масалаларини комплекс тарзда тадқиқ этишга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги мазкур муаммони диссертация мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот

---

<sup>5</sup> Алимджанова М.Г., Бекмухамедова К.М. Правовая основа обеспечения продовольственной безопасности в условиях Евразийского экономического Союза // <http://www.eurasiancommission.org>; Анищенко А.Н., Ускова Т.В., Семенов Р.Ю., Чеквинский А.Н. Продовольственная безопасность региона. – М.: ИСЭРТ РАН, 2014. – 140 с.; Жондарев А.М., Петров А.А. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. Под общ. Ред. А.В.Колосов. – М.: изд. РАГС, 2001; Кайгородцев А.А. Экономическая и продовольственная безопасность Казахстана. Вопросы теории, методологии, практики. – Усть Каменогорск, 2006. – 384 с; Крылатых Э.Н., Мазлова В.З., Межонина Н.В. Национальная экономика: обеспечение продовольственной безопасности в условиях интеграции: Монография /– М.: НИЦ ИНФРА-М, 2016. – 238 с.; А.А.Лысоченко Система и механизм обеспечения продовольственной безопасности региона в условиях переходной экономики России (На примере АПК Ростовской области) : Дис. ... канд. экон. наук : Ростов н/д, 2002 211 с. РГБ ОД, 61:02-8/2006-8//<http://www.dslib.net/economika-xoziajstva/sistema-i-mehanizm-obespechenija-prodovolstvennoj-bezopasnosti-regiona-v-uslovijah.html>; Назаренко В.И. Продовольственная безопасность (в мире и в России). – М.: Памятники исторической мысли, 2011. – 286 с.; Общая теория национальной безопасности. Учебник. М., изд. РАГС, 2003; Экономическая безопасность: учебник для ВУЗов/под общ.ред. Л.П.Гончаренко. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 340 с.; Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник/Под ред. В.К.Сенчагова. 2-изд. – М.: Дело, 2005. – 895 с.; Фурс И.Н. Продовольственная безопасность Белоруси: монография. – Мн.: ИСПИ, 2000. – 168 с.

<sup>6</sup> Абдуғаниев О.А. Минтақанинг озиқ-овқат билан таъминланганлигини баҳолаш усуллари ва мезонлари //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №3. Май-июнь 2018 йил. //www.iqtisodiyot.uz; Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2012.; Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари. Монография. – Т.: “ Fan va texnologiya”, 2017. – 152 бет; Бекенов С.С. Критерии и оценки продовольственной безопасности//Вестник КРСУ.№2. 2003.// <https://www.krsu.edu.kg/vestnik/2003/v2/a03.html>; Беркинов Б.Б., Ахмедов У.Қ. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабларининг таҳлили//<http://www.biznes-daily.uz/ru/birja-expert/24951>; Мамарахимов Б.Э. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва саноатини ривожлантириш.//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь 2016 йил./www.iqtisodiyot.uz; Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзФА Асосий кутубхонаси босмахонаси нашриёти, 2016. – 258 бет.; Саидова Д.Н., Расулова Д.Т. Проблемы обеспечения продовольственной безопасности в Республике Узбекистан// Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. – Т., ТошДАУ, 2015. 2-сон. 91-94-бетлар.

<sup>7</sup> Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истикболлари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. – Т.: 261 б.; Мухторов А.Х. ва бошқ. Иқтисодиётни глобаллашув шароитида аграр соҳани ривожлантиришнинг назарий асослари. Т.: “Fan va texnologiya”, 2016, – 280 бет.

ишлари режасидаги 2017-2019 йилларга мўлжалланган “Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг назарий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

“хавф-хатар”, “таҳдид”, “хавфсизлик”, “иқтисодий хавфсизлик”, “озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳияти, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

иқтисодий хавфсизлик, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича назарий концепцияларни тадқиқ этиш;

аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга таъсир этувчи ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хорижий тажрибаларнинг республикамиз шароитида фойдаланиш учун аҳамиятли жиҳатларини умумлаштириш;

озиқ-овқат хавфсизлигини характерловчи мавжуд методологик жиҳатлар ва уни баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш ҳамда уларни умумлаштириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашнинг миллий ва худудий индикаторлари, кўрсаткичлар тизимини шакллантириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

давлатнинг аграр сиёсати ва қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиш тенденцияларини аниқлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назардан баҳолаш;

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқиш заҳиралари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва бу борадаги муаммоларини аниқлаш;

аҳоли даромадлари ва озиқ-овқат хавфсизлигига иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан эришиш имкониятларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

аҳолининг озиқ-овқат шахсий истеъмоли ва овқатланиш маданиятини ошириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг эконометрик таҳлили асосида уни истиқболлаштиришнинг эконометрик моделини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал йўналишларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати тармоқлари субъектлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, анализ ва синтез, илмий умумтаҳлил, таққослаш, эксперт баҳолаш ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг таъсир даражаларини аниқлашга қаратилган илмий-назарий ёндашувлар “глобал иқлим ўзгаришлари”, “экологик инқироз”, “сиёсий нобарқарорлик” каби ташқи ва “қишлоқ хўжалиги ерларининг қисқариб бориши”, “сув танқислигининг кучайиши” каби ички хавф-хатарлар назарда тутилиши нуқтаи назаридан такомиллаштирилган;

озик-овқат хавфсизлиги даражасини аниқлаш, мониторинг қилиш, прогнозлаштиришнинг ягона тизимини шакллантириш ҳамда шу асосда минтақа ва ҳудудлар кесимида озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган манзилли стратегия ва дастурларни ишлаб чиқувчи ваколатли давлат органлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштирувчи “Озик-овқат хавфсизлиги ва истеъмол мониторинги Аналитик Маркази”ни ташкил этиш асосланган;

ҳудудларни озик-овқат хавфсизлиги даражасини баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар мамлакатимизнинг миллий ва минтақавий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда “экологик босим”, “демографик босим” каби индикаторлар тизими устуворлигига қаратилиши нуқтаи-назардан такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларига жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан эришиш имкониятларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган 2020-2030 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини озик-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунни қабул қилиш ҳамда чекланган ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишда экин турларини минтақа ва ҳудудлар бўйича жойлаштиришнинг илмий асосланган дастурини ишлаб чиқиш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“хавф-хатар”, “таҳдид”, “хавфсизлик”, “иқтисодий хавфсизлик”, “озик-овқат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳияти очиб берилган, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи мантиқий-таркибий тасниф ишлаб чиқилган;

иқтисодий хавфсизлик ва озик-овқат хавфсизлиги категорияларига кенг қамровли ёндашилиб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ва уни намоён бўлиш даражалари ва шакллари аниқлик киритилган;

хорижий давлатларнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги аҳамиятга молик тажрибалари умумлаштирилган ва уни республикамиз иқтисодиётига қўллаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

озик-овқат хавфсизлигини аниқлаш бўйича халқаро, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Global Food Security Index (GFSI) методологияларининг умумий ва хусусий жиҳатлари аниқланган ҳамда шу асосда миллий ва ҳудудий баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш тавсия этилган;

аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг соғлом овқатланиш маданиятини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда озиқ-овқат дастурини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, статистик ва фактик маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) расмий статистик маълумотномаларидан олингани, шунингдек, тадқиқот хулосалари ва таклифларининг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий тадқиқотлар натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялар мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш ва таъминлаш механизмларини такомиллаштириш борасидаги назарий билимларни бойитишга хизмат қилади. Тавсиялардан республикаимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат Дастурлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекозиқовқатхолдинг холдинг компанияси АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Тараққиёт стратегияси Маркази ва Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолиятларида фойдаланиш билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича назарий концепцияларни умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи таҳдидлар бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекозиқовқатхолдинг холдинг компанияси АЖ тизим корхоналари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 10 ноябрдаги 01/025-405 сон, Ўзбекозиқовқатхолдинг холдинг компаниясининг 2020 йил 18 мартдаги АС/07-445 сон маълумотномалари). Ушбу таклифларни жорий этилиши мамлакат ичида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган, хавф соладиган, муаммоли вазиятларнинг вужудга келишига сабаб бўладиган омиллар, жараён ва воқеликлар, шунингдек, жаҳон ва глобал миқёсларда ҳамда қўшни ва ҳамкор мамлакатларда юзага келадиган ва унга хавф туғдирадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, омиллар ҳамда воқеликларда намоён бўладиган ташқи таҳдидларни баҳолаш имкониятини яратган.

озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини аниқлаш, мониторинг қилиш, прогнозлаштиришнинг ягона тизимини шакллантириш ҳамда шу асосда минтақа ва ҳудудлар кесимида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга

қаратилган манзилли стратегия ва дастурларни ишлаб чиқувчи ваколатли давлат органлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон озиқ-овқат холдинг компанияси АЖ тизим корхоналари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 10 ноябрдаги 01/025-405 сон, Ўзбекистон озиқ-овқат холдинг компаниясининг 2020 йил 18 мартдаги АС/07-445 сон маълумотномалари). Бунинг натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини бошқариш борасидаги имкониятлар ҳамда уни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бўйича дастак ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган.

озиқ-овқат хавфсизлигини минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда хавфсизлик даражаларининг ҳудудлар кесимида баҳолаш бўйича берилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим корхоналари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2018 йил 10 ноябрдаги 01/025-405 сон маълумотномаси). Ушбу услубий ёндашув миллий ва ҳудудлар кесимида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш ҳамда унинг натижасидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда унинг таркибий қисмлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган соҳани ривожлантиришнинг прогноз параметрлари бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон озиқ-овқат холдинг компанияси АЖ тизим корхоналари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2018 йил 10 ноябрдаги 01/025-405 сон, Ўзбекистон озиқ-овқат холдинг компанияси АЖнинг 2020 йил 18 мартдаги АС/07-455 сон маълумотномалари). Ҳисоб-китобларга кўра, прогноз қилинаётган даврда республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори 2,9 марта, доимий аҳоли сони 17,7%, жами озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш динамикаси 6,3%, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг улуши 14,6%, ўсиши эришилиши асосланган.

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меърий ва институционал асосларини такомиллаштириш, ер-сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирлиги тизим корхоналари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2018 йил 10 ноябрдаги 01/025-405 сон, Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 04/25-2793-сон маълумотномалари). Натижада озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсиз ва сифатли маҳсулотлар истеъмол ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сувдан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурлари доирасида сув хўжалиги объектлари ҳамда сув ресурсларидан тежамли фойдаланишни ташкил этиш учун ахборотларни тўплаш, таҳлил

қилиш ва сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича асосланган чора-тадбирларни чиқишга замин яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари, жами 14 та, шу жумладан, 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шу жумладан 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 220 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида “миллий хавфсизлик” ва “иқтисодий хавфсизлик” тушунчаларининг моҳияти ҳамда намоён бўлиш шакллари тадқиқ этилган. “Озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчасининг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мақсад ва вазифалари, уларни амалга оширишга хавф солувчи таҳдидлар асосланган ҳамда соҳа бўйича хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалар тадқиқ этилган ва уларни республикамиз иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ёритилган.

Маълумки, хавфсизлик масаласи барча даврларда мавжуд бўлган. Аниқ категория сифатида, мазмун-моҳиятига кўра, инсон, давлат, жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги боисдан ушбу тушунчага турли илмий соҳа вакиллари ўз соҳаларидан келиб чиқиб, турлича изоҳ берадилар. Бизнингча, “хавфсизлик” тушунчаси турли маъноларда талқин этилганлигига қарамасдан, умуман, шахс, кишилар гуруҳи, давлат ва жамиятнинг инсоният ҳаёти турли соҳаларида вужудга келадиган хавф-хатардан “ҳимояланиш ва сақланиш”, “ҳоли бўлиш” ҳамда “кафолатланиш” маъноларини ифодалайди.

Таъкидлаш лозимки, узок йиллар мобайнида “хавфсизлик” атамаси умумий хавфсизлик маъносини ифодалаган. Бу тушунчанинг таркибий қисмлари ва намоён бўлиш шакллари кенг тарзда ўрганилмаган. У кўпгина ҳолларда мамлакатнинг, давлатнинг ҳарбий-мудофаавий хавфсизлигини

таъминлаш маъносида тушуниланган. Кейинчалик “умумий хавфсизлик” кенг маънода “миллий хавфсизлик” атамаси билан номланган.

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим унсури ҳисобланади ҳамда миллий иқтисодиётнинг мустақиллиги, барқарорлиги ва барқарор ўсиш суръатлари таъминлангандагина реал воқеликка айланади. У миллий иқтисодиётнинг барча даражаларида, яъни мамлакат, хўжалик субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, минтақа, алоҳида олинган шахс ва оиланинг иқтисодий мустақиллигига, ҳолати барқарорлигига, барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланиш суръатлари каби тамойилларига асосланади.


Иқтисодий хавфсизликнинг асосий шаклларида бири озиқ-овқат хавфсизлиги ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда диссертацияда “озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчасининг мазмунини таърифлашга турли ёндашувлар тадқиқ этилган.

Бизнингча, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фақат қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасигина иштирок этади, дейиш унчалик тўғри эмас. Ушбу тармоқ ва соҳаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улкан роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда миллий иқтисодиётнинг sanoat, шу жумладан, озиқ-овқат sanoati, транспорт, алоқа, ички ва ташқи савдо, хуллас, барча тармоқ ва соҳалари иштирок этади. Шунингдек, давлатнинг аграр, sanoat, бюджет-солиқ, пул-кредит, минтақавий, ижтимоий, экологик, транспорт сиёсати дастакларидан унумли ва оқилона фойдаланиши ҳам ушбу мақсадда етарли институционал, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, имкониятларни вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Турли расмий ҳужжатлар ҳамда илмий ёндашувлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, *“озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчасига мамлакат асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаши асосида озиқ-овқат мустақиллигига эришиш негизида иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг ички манбалари ва мақбул даражадаги импортни мувофиқлаштириш орқали фуқароларнинг фаол ва соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш учун зарур бўлган сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига мамлакатда белгиланган истеъмолнинг рационал меъёрларидан кам бўлмаган ҳажмларда жисмоний (миқдорий), иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ишончли ва барқарор эришишни ифодалайди*, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, умумжаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Рим декларациясида қайд этилган “озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчасининг муҳим элементлари сифатида озиқ-овқатга жисмоний (миқдорий) ва иқтисодий жиҳатдан эришиш, озиқ-овқат мустақиллиги, ишончлилик ва барқарорлик кабиларни асос қилиб олган ҳолда унга ижтимоий жиҳатларни кўшиш муҳим (1-расм).

Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги турли даражаларда таъминланади. Шунинг учун у турли шаклларда намоён бўлади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражаларини қуйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқ:



**1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасининг элементлари<sup>8</sup>**

– **юқори даражада таъминланган озиқ-овқат хавфсизлиги** – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш аҳолининг зарурий минимал истеъмол даражасидан юқори бўлиб, фақат мамлакат ишлаб чиқарувчилари томонидан таъминланади ҳамда экспорт қилинади;

– **таъминланган озиқ-овқат хавфсизлиги** – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш давлатнинг ички эҳтиёжларини асосан қондиради ва истеъмол аҳолининг зарурий минимал даражасидан юқори бўлиб, мамлакат ишлаб чиқарувчилари томонидан таъминланади;

– **қўшимча тарзда таъминланган озиқ-овқат хавфсизлиги** – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш давлатнинг ички эҳтиёжларини тўлиқ қондирмайди, истеъмол аҳолининг зарурий минимал даражасидан юқори бўлиши учун хориж мамлакатлардан озиқ-овқат маҳсулотлари қисман импорт қилинади;

– **озиқ-овқатга қарамлилик** – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш давлатнинг ички эҳтиёжларини қондирмайди, истеъмолнинг зарурий минимал даражаси хориж (учинчи) мамлакатлардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида таъминланади.

Диссертацияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ташқи ва ички таҳдидларни ҳам назарда тутиш муҳим саналади.

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига ташқи таҳдидлар мамлакат ташқарисида, шу жумладан жаҳон ва глобал миқёсларда ҳамда қўшни ва ҳамкор мамлакатларда юзага келадиган ва унга хавф туғдирадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, омиллар ҳамда воқеликларда намоён бўлади (2-расм).

Шунингдек, мамлакат ичида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган, хавф соладиган, уни қийинлаштирадиган, муаммоли вазиятлар вужудга келишига сабаб бўладиган омиллар, жараён ва воқеликлар, ички таҳдидлар, деб аталади (3-расм).

<sup>8</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.



2-расм. Озиқ-овқат хавфсизлигига ташқи таҳдидлар<sup>9</sup>


Диссертацияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш ва бу борадаги ўсиш суръатларини жадаллаштириш, юксак ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш бўйича тавсиялар берилган.

Диссертациянинг **“Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмлари ва уни баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари”** деб номланган иккинчи бобида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизимининг вазифалари, даражалари ҳамда механизмлари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган ҳамда уни баҳолаш бўйича халқаро методологик ёндашувларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ёритилган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай мамлакат иқтисодий стратегияси ва сиёсатининг муҳим устувор йўналиши бўлиб, жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, миллатлараро барқарорлик уни амалга ошириш самарадор-

<sup>9</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

лигига боғлиқ. Бунинг учун мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизими ва уни амалга ошириш механизми шакллантирилиши лозим.



**3-расм. Озиқ-овқат хавфсизлигига ички таҳдидлар<sup>10</sup>**

Диссертацияда таъкидланишича, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми – давлатга озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини барқарорлаштиришга имкон берувчи, ягона ҳуқуқий меъёрлар асосида тартибга солинадиган механизмга бирлашган, халқаро, миллий ва минтақавий даражаларда ўзаро боғланган ташкилий шакллар ва иқтисодий усуллар йиғиндисидир.

Бизнингча, миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми халқаро, миллий ва минтақавий даражадаги хавфсизлик субъектларини, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастакларини, тамойилларини ва уни

<sup>10</sup> Муаллиф тадқиқоқлари асосида тузилган.


баҳолашни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражасини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, уларни мониторинг қилиш ҳамда мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда дастурларга тузатишлар киритишни ўз ичига олади.

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда озиқ-овқат хавфсизлигининг мезон ва кўрсаткичларини аниқ белгилаш муҳим масалалардан саналади. Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизими асосланган бир қанча методикалар мавжуд. Улар орасида ушбу муаммони нафақат назарий тушунишда, балки уни баҳолашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Global Food Security Index (GFSI) методологиялари алоҳида эътиборга лойиқдир.

ФАОда халқаро миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш ва баҳолаш тизими 1996 йилдан жорий этилган, 2011 йилдан очиқ маълумотлар базаси сифатида ФАОСТАТ сайти эълон қилинган. 2016 йилдан ушбу кўрсаткичлар тизими БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Мингйиллик ривожланиш глобал дастури ва Барқарор ривожланиш мақсадлари вазифаларига мос такомиллаштирилган. GFSI эса 2012 йилдан буён фаолият юритмоқда. Бунда асосан учта индикаторлар тизимидан, яъни озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий жиҳатдан эришиш имкониятлари ва уларни истеъмол қилиш; озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва етарлиги; озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги даражалари, 2017 йилдан эса глобал иқлим ўзгариши ва мавжуд табиий ресурслар захираларини камайиб бориши каби рискларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таърисини баҳолаш мақсадида “табиий ресурслар ва барқарорлик” индикаторларидан фойдаланиб келинмоқда.

Мисол учун, дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида эришган даражаларига кўра, рейтинг таҳлиллари кўрсатишича, юқори даромадли мамлакатлар ушбу рейтингда энг юқори ўринларни эгаллаб турганликларини кўриш мумкин. Аммо, 2019 йилда 2012 йилдагига нисбатан ушбу давлатлар рейтингда баъзан ижобий, баъзан салбий ҳолатлар кузатилди. Республикамизда эса бу борада ижобий ҳолат кузатилмоқда. Ўзбекистон 2012 йилда ушбу кўрсаткич бўйича дунё мамлакатлари орасида 72-ўринда бўлса, 2018 йилда 80 ўринда бўлган, 2019 йилда эса 2018 йилдагига нисбатан 9 балга юқорилаган (4-расм).

Шунингдек, таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг тармоқли иқтисодий ислохотлар натижасида, 2012 йилдаги баҳолашда Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий мақбуллик даражаси 35,1 фоизни, мавжудлилик ва етарлилик даражаси 44,9 фоизни, сифат ва хавфсизлик даражаси 42,5 фоизни, ўртача индекс 40,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда эса бу борада мос равишда 65,6, 55,1, 53,4 ва 54 фоизгача ўсиш таъминланган.



**4-расм. Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси бўйича жаҳон мамлакатлари ўртасидаги рейтинги<sup>11</sup>**

Диссертацияда қайд этилган баҳолаш методологияларининг умумий ва хусусий жиҳатлари талқини бўйича хулосага кўра, ушбу индикаторлардан фойдаланиш турли давлатларни муайян кўрсаткичлар бўйича таққослаш, вақт ўтиши билан уларнинг қадриятларидаги ўзгариш динамикасини кузатиш имконини беради, аммо улар муайян мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини умумий интеграл баҳолашга имкон бермайди. Кўриниб турибдики, бунда айрим кўрсаткичлар барча мамлакатлар учун тенг устуворлик сифатида қаралган. Фикримизча, қайд этилган кўрсаткичлар тизими асос сифатида қабул қилинган ҳолда, мамлакатимизнинг миллий ёки минтақавий хусусиятлари, шунингдек, маҳаллий аҳоли фаровонлиги даражасига устуворлик касб этилиши талаб этилади. Хусусан, “экологик босим”, “демографик босим” каби индикаторлар тизими устуворлигига қаратилган кўрсаткичлар асосида республикада озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш индикаторлари ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тизим ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда услубий асос бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Шунингдек, аҳолининг турли ёш гуруҳлари ҳамда уларнинг меҳнат қилиш ҳаракатчанлиги нуқтаи назаридан БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган бир кишига кунлик энергетик қувват эҳтиёжи меъёрларини ҳам жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тенденциялари ва муаммолари» деб номланган учинчи бобида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари тадқиқ

<sup>11</sup> Уровень продовольственной безопасности стран 2012, 2016, 2018, 2019 рейтинг//<https://gtmarket.ru/ratings/global-food-security-index/info> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

этилган. Унда хусусан, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши тизимлари таҳлил қилинган, ушбу соҳаларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва салоҳиятига баҳо берилган ҳамда бу борадаги тенденциялар ва муаммолар аниқланган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосини ташкил этувчи асосий давлат ва нодавлат тузилмалари фаолияти асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми бизнингча, урта муҳим жабҳага дахлдор дастак ва чора-тадбирларни ўз ичига олади: агросаноат мажмуасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва рағбатлантириш; аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эришиш ва истеъмолини таъминлаш; бу борадаги имкониятларини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини бошқаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириб бориш.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи бошқарув ҳамда ҳуқуқий таъминот таҳлили кўрсатишича, агроозиқ-овқат муносабатларига давлатнинг юзага келган вазиятга мос тарзда тартибга солувчи аралашуви, агроозиқ-овқат сиёсати мақсадлари билан бозор субъектларининг муносабатларига давлат аралашувининг зарур шакллари ва усуллари қонун билан мустаҳкамланган бўлиши талаб этилади. Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирги пайтда ҳаёт кечириш учун конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишнинг зарур шарти сифатида мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий ва жисмоний эгалик қилиш имконияти масалалари муайян хусусиятга эга эмас. Чунки, инсоннинг овқатланиш ҳуқуқларини таъминлаш механизми унда етарлича аниқ ишлаб чиқилмаган ва “озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчаси бу борадаги умумий қабул қилинган халқаро ҳуқуқлар билан етарлича мувофиқлашмаган. Бу ҳам қонун ҳужжатларига қўшимча ишлов берилишини талаб қилади.

Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизминини янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар ижроларининг тенденциясидан келиб чиққан ҳолда аҳолини хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор равишда таъминлаш, истеъмоли даражасини рационал меъёрлар даражасига етказиш, агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини мониторинг асосида баҳолаш ҳамда назорат қилиш учун масъул бўлган давлат ҳокимияти ва иқтисодий бошқаруви ваколатли органлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларнинг озиқ-овқат таъминоти вазифалари ижроси таъминланишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизими мавжуд эмас. Шу боис, “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмол мониторинги Аналитик Маркази”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу марказнинг асосий вазифаси ҳудудларда озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг ягона электрон порталини шакллантириш, бу борада манзилли ҳудудий стратегия ва дастурлар ишлаб чиқишдан иборат бўлмоғи лозим. Зеро, озиқ-овқат таъминотини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари масалага республикамиз ҳудудларининг табиий-

иқлим шароити, демографик ҳолати, миллий анъаналари ва бошқа шу кабилар назарда тутилган ҳудудий табақалаштирилган ҳолда ёндашишни талаб этади.

Диссертацияда Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини тадқиқ этиш мақсадида аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг рационал истеъмол меъёрларига нисбати таҳлил қилинган. Таҳлиллар кўрсатишича, аҳоли жон бошига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 1991-2019 йилларда ўсиши уларнинг бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган рационал истеъмол меъёрларига нисбатан бирмунча яқинлашганлигидан, дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, озуқабоп экинлар маҳсулотлари бўйича эса ошиб кетишга эришилганлигидан далолат беради (1-жадвал).

### 1-жадвал.

#### Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг рационал истеъмол меъёрларига нисбати (%)<sup>12</sup>


Маҳсулот турлари	ЖССТ меъёрларига нисбатан*,%			Ўзбекистон Республикаси ССВ меъёрларига нисбатан,%		
	1991 й.	2016 й.	2019 й.	1991 й.	2016 й.	2019 й.
Дон	76,7	206,3	159,1	71,7	192,7	148,6
Картошка	17,9	95,4	85,5	17,8	95,1	85,2
Сабзавот ва полиз ва озуқабоп экинлар	146,9	249,6	247,3	153,7	261	258,7
Мева ва резаворлар	31,1	119,5	96,9	30,2	115,9	93,9
Гўшт (тирик вазнда)	54,6	99,6	103,7	52,4	95,6	99,6
Сут	36,4	76,4	78,0	35,6	74,8	76,3
Тухум (дона)	24,6	83,2	91,0	21,8	73,8	80,7

Изоҳ: ЖССТ сўнги йилларда озиқ-овқат истеъмоли меъёрларини кг. дан ккалга алмаштирган. Ккалда ҳисоблаш имконияти бўлмагани сабабли килограмда ҳисоблаш амалга оширилди.

Юқоридаги ижобий ҳолатларни мустақиллик йилларида аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Хусусан, картошка, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, мева ва резаворлар, гўшт (тирик вазнда)ни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш уларнинг рационал истеъмоли меъёрлари даражасига бирмунча яқинлашиб қолган. Дон маҳсулотлари етиштириш эса аҳоли жон бошига рационал истеъмол меъёрларига нисбатан ўртача 150 фоизга таъминланган. Аммо, бу ҳолат мамлакатда дон маҳсулотлари етиштириш бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишига эришилганлигини билдирмайди. Сабаби, озиқ-овқат хавфсизлигини характерловчи кўрсаткичларидан бири ушбу маҳсулотларга импортга қарамлилик даражасини ҳам назарда тутати. Зеро, таҳлиллар мамлакатимизда ҳар йили сезиларли ҳажмда ғалла ва ун импорт қилиниши тенденцияси сақланиб

<sup>12</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

қолаётганлигини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, республикамизда етиштирилётган ғалла нави хом ашёсини нон ва нон маҳсулотлари сифатидаги истеъмолга ишлатишнинг тўғридан тўғри имконияти йўқлиги билан изоҳланади (5-расм).



**5-расм. Ўзбекистон Республикасида ғалла ва ун импорти динамикаси, млн.тонна<sup>13</sup>**

Изоҳ: прогноз кўрсаткич

Иккинчи томондан, ғалла хом ашёси асосан суғориладиган майдонларда етиштирилмоқда. Бу ўз навбатида чекланган сув ресурслари ҳамда истиқболда ушбу тенденцияни сақланиб қолиши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигига барқарор эришиш вазифасини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи асосий ички таҳдидлардан саналади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор сақлаб туришга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолардан яна бири озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда уруғчилик ва чорва озукасига бўлган импортга қарамлилик даражаси юқорилиги билан боғлиқ.

Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш йўналишларидан бири нафақат қишлоқ хўжалиги, балки АСМнинг бошқа тармоқларини – озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда ташиш инфратузилмаларини модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан замонавийлаштириш даражалари билан бевосита боғлиқ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқлари каби саноат тармоқларини ҳам ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурлари амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотлари ялпи ҳажмида озиқ-овқат саноати улушининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Натижада асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли жон бошига истеъмол қилиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва

<sup>13</sup> International Growth Centre маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия қилинадиган рационал меъёрларга қиёслаганда ҳақиқий истеъмол даражалари ҳам мустақиллик йилларида ошиб бориш тенденциясига эга бўлди. Зеро, ушбу кўрсаткичларни тиббий меъёрлар билан қиёслаш аҳолининг соғлом истеъмол ҳолатига ҳам баҳо бериш имконини яратади.

Нон ва нон маҳсулотлари бўйича аҳоли жон бошига истеъмол қилиш ушбу тавсияларга кўра, рационал меъёрлар даражасидан ҳамisha юқори бўлган. 2019 йилда аҳоли жон бошига истеъмол қилиш ҳақиқий даражаси ЖССТ ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тавсия қилган меъёрлар даражаларига нисбатан ўсимлик ёғи бўйича 183,6 фоиз ва 263,7 фоизга юқори бўлишига эришилган. Шунингдек, 2019 йилда 1990 йилдагига нисбатан гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ҳақиқий истеъмол даражаси рационал меъёрларга нисбатан мос равишда 44,2 фоиздан 61,6 фоизга ҳамда 42,5 фоиздан 59,2 фоизга ўсди.

2-жадвал.

**Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақиқий истеъмол даражасининг рационал истеъмол меъёрларига нисбатан ўзгариши динамикаси (% да)<sup>14</sup>**

Маҳсулот турлари	ЖССТ бўйича рационал истеъмол меъёри (кг/1 киши, 1 йилда)	ЎЗР бўйича рационал истеъмол меъёри (кг/1 киши, 1 йилда)	ЖССТ меъёрларига нисбатан,%		Ўзбекистон Республикаси ССВ меъёрларига нисбатан,%	
			1990 й.	2019 й.	1990 й.	2019 й.
Нон ва нон маҳсулотлари	120,5	129	141,1	147,4	131,8	137,8
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	70,1	73	44,2	61,6	42,5	59,2
Сут маҳсулотлари	404	413	45,3	66,8	44,3	65,4
Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	140,3	134,1	76,3	197,6	79,8	206,7
Ўсимлик ёғи	13,1	9,1	91,6	183,6	131,8	263,7
Шакар, кондитер маҳсулотларини қўшганда	36,5	40,5	32,8	85,5	29,6	77,03

Бундай ижобий силжишлар республикамиз аграр соҳасининг жаҳон аграр иқтисодиёти сектори билан ҳамкорлик алоқалари ижобий натижаси сифатида эътироф этилиши мумкин. Шу боисдан 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Эндиликда, рационал меъёрлар даражасида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолига эришиш учун қишлоқ хўжалигини, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, аҳолининг истеъ-мол маданиятини янада ошириш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси мамлакатимизда анча пастлиги бу борада муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бу муаммолар қайта ишлаш тармоқлари корхоналари сони камлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари анча эскирганлиги, уларнинг республика ҳудудлари бўйлаб нотекис жойлаштирилганлиги билан боғлиқдир.

Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакат озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт-импортида ижобий баланс кузатилган. Хусусан, 1995 йилда жами 4590,2 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, шунинг 1,7 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари улушига тўғри келган, 2019 йилда эса ушбу кўрсаткич мос равишда 13990,7 млн. доллар ва 7,8 фоизни ташкил қилган.

**3-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импорти динамикаси (1995-2019 йиллар, млн.АҚШ доллари)<sup>15</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>1995 й.</b>	<b>2000 й.</b>	<b>2005 й.</b>	<b>2010 й.</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2019 й.</b>
<b>Экспорт - жами</b>	<b>4590,2</b>	<b>3264,7</b>	<b>5408,8</b>	<b>13023,4</b>	<b>14109,0</b>	<b>13990,7</b>
Шундан: озиқ-овқат маҳсулотлари	205,4	176,4	206,1	1260,5	1675,6	1097,8
Жамига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари улуши	1,7	5,4	3,8	9,7	11,9	7,8
<b>Импорт - жами</b>	<b>4721,1</b>	<b>2947,4</b>	<b>4091,3</b>	<b>9175,8</b>	<b>13984,3</b>	<b>19439,2</b>
Шундан: озиқ-овқат маҳсулотлари	1390,6	361,1	287,2	963,2	1509,9	1581,6
Жамига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари улуши	18,2	12,3	7,0	10,5	10,8	8,1

Импорт таркибида ҳам ижобий ҳолат кузатилган, 1995 йилда 4721,1 млн. долларлик маҳсулот импортидан 18,2 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилган. 2019 йилда эса кўрсаткич анча пасайиб, жами импортида 8,1 фоизни ташкил этган.

Бизнингча, озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим жиҳатларидан бири унга иқтисодий жиҳатдан эришиш ҳисобланади. Бунинг учун авваломбор, аҳоли даромадлари ўсиб бориши лозим. Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб бозор ислохотлари натижасида иқтисодий ўсиш ва ривожланиш таъминланиб, аҳоли даромадларини ошириб борилишига, турмуш даражаси кўтарилишига

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

эришилмоқда. Айнан шу сабабли аҳоли жон бошига ўртача тўғри келган пул даромадлари, иш ҳақи ва пенсиялар ўсишининг ижобий динамикаси вужудга кела бошлади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигига эришишга тўсиқ бўлувчи ташқи ва ички таҳлидларнинг сақланиб қолиниш тенденциялари кузатилмоқда. Улар, бизнингча, қуйидагиларда ўз аксини топган:

– урбанизация жараёнларининг жадаллашуви ва бошқа омиллар таъсирида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, хусусан, суғориладиган ерлар аҳоли жон бошига нисбатан камайиб бормоқда;

– ерларнинг мелиоратив ҳолати, мелиоратив тизим салоҳиятидан фойдаланиш даражаси оптимал ҳолатга нисбатан пастлигича қолмоқда;

– илгари суғорилган, аммо бўз ерларга айланган, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерлар мавжуд, ерларнинг, хусусан, яйловларнинг деградацияга учраш даражалари ортиб бормоқда;

– экологик ва иқлим ўзгаришлари натижасида ер-сув ресурслари танқислиги кутилмоқда ва уларнинг сифат жиҳатидан ёмонлашиш даражаси кучайиши кузатилмоқда;

– асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми миқдор жиҳатдан тиббий меъёрлар даражасида, баъзиларини эса меъёр даражасидан ҳам кўп ишлаб чиқариш тенденцияси кузатилмоқда. Аммо, чорвачилик учун озуқа таъминоти маҳсулотлари импорти сақланиб қолмоқда ҳамда инновацион технологиялар ҳамда ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш усулларида фойдаланиш даражаси ҳамон паст;

– озиқ-овқат саноатининг мавжуд моддий-техник таъминоти, хусусан, қайта ишлаш тармоқлари корхоналари сони камлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари эскирганлиги, қайта ишлаш корхоналари республика ҳудудлари бўйича нотекис жойлаштирилганлиги боис маҳсулотларни йўқотиш даражаси юқорилигича қолмоқда;

– аграр соҳада инновацион ғоя, ишланмаларни яратиш ва амалиётга жорий этишнинг самарали тизими мавжуд эмас, хусусан, илм-фан ва илмий-тадқиқот учун сарфланган маблағлар кўлами ўта паст даражада ва бошқалар.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари**» деб номланган тўртинчи бобида аҳолининг шахсий озиқ-овқат истеъмоли ва овқатланиш маданиятини оширишнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни эконометрик моделлаштириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигига миқдор жиҳатдан эришиш истиқболлари баҳоланган, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал йўналишлари ишлаб чиқилган.

Диссертацияда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат ҳамда овқатланишга эришиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, аҳолининг озиқ-овқат шахсий истеъмоли ва овқатланиш маданиятини ошириш йўлида

амалга оширилаётган ишларни комплекс таҳлил қилиш орқали мамлакатимизда сабзаёт ва полиз маҳсулотлари, мевалар, узум ва резаворлар кўп миқдорда етиштирилаётганлигига қарамасдан, кундалик истеъмол рақсонида сабзаёт ва полиз маҳсулотлари етарли даражада эмас.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти баёнотида (“Спутник наشري”) Ўрта Осиёда озиқ-овқат танқислиги ҳақида фикр юритилиб, жумладан 2 млн. га яқин ўзбекистонликлар тўйиб овқатланмаслиги, А витамини танқислиги эса болаларнинг 53 фоизида, катта ёшдагиларнинг 38 фоизида кузатилиши таъкидланган. Ўзбекистонда семизлик касаллигидан аҳолининг 14,4 фоизи азият чекади. Мазкур ҳолат эса, амалга оширилаётган тадқиқотнинг бугунги кун учун аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида овқатланиш ҳолатини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 1500 киши иштирок этди. Уларнинг 611 нафари (41%) 18–24, 546 нафари (36,4%) 25–30, 343 нафари (22,9%) 31–35 ёш оралиғидаги кишилардир. Сўровнома иштирокчиларининг 645 нафари (43,0%)ни аёллар ва 855 нафари (57%)ни эркеклар ташкил этди. Респондентларнинг 652 нафари (43,5%) олий, 548 нафари (36,5%) ўрта махсус, 300 нафари (20,0%) умумий ўрта маълумотга эга.

Сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 47,6 % тўғри ва соғлом овқатланиш бўйича маълумот ва тасаввурга эга, бу борадаги қоидаларга 33,2 фоизи риоя қилиши, шунингдек, 65,8 фоизигина овқатланиш тартибига қатъий риоя этиб, қолганлари риоя этмаслиги ёки имконият ва вазият тақозасидан келиб чиқиб, риоя этиши аниқланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бизнингча, аҳолида соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– аҳолида соғлом овқатланиш ҳақидаги тушунча ва кўникмаларни шакллантириш, маданиятини ошириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот ишларини олиб бориш, айниқса, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда соҳа мутахассисларининг жонли суҳбатларини ташкил этиш;

– олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Ҳаёт муҳофазаси” ўқув курслари дастурларига соғлом овқатланиш, хавфсиз озиқ-овқат ҳамда истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича мавзуларни киритиш ва уларни ўқитиш савиясини ошириш;

– тиббиёт олийгоҳлари ва ўрта махсус таълим муассасаларида диетолог врачлар ва ҳамширалар тайёрлашни кенгайтириш;

– мулкчилик шаклларида қатъи назар, умумовқатланиш шаҳобчалари, шу жумладан, корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари, айниқса, мактабгача таълим муассасалари қошидаги ошхона ва буфетларда овқатлар сифатини, санитария-эпидемиологик ҳолатини назорат қилишни кескин кучайтириш, мутасаддиларнинг бу борадаги жавобгарлигини янада ошириш;

– умумовқатланиш муассасаларининг таомномаларидаги овқат турлари бўйича, унда ишлатилган масаллиқлар калорияси тўғрисидаги маълумотлар бўйича касса чекларига киритишни жорий этиш ва бошқалар.

Диссертацияда Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган. Кўп омилли эконометрик моделни тузишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори натижавий омил ҳисобланади. Унга таъсир этадиган омиллар сифатида доимий аҳоли сони (минг киши), жами озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш динамикаси (%), қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд. сўм), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг улуши (%), истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг улуши (%), қишлоқ хўжалиги экин майдонларида техника экинлари майдонлари (пахта етиштириш) ҳажмининг қисқариши (%), озиқ-овқат саноатида банд бўлган ходимларнинг ўртача сони (минг киши), қишлоқ хўжалиги экинлари орасида дон экинлари ҳосилдорлиги (гектардан центнер), гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш (минг тонна), сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш (минг тонна) олинган.

Мазкур омилларнинг натижавий омилга таъсирини аниқлашда корреляцион-регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган. Бунда натижавий омиллар таъсири жуфт корреляция коэффициентларини ҳисоблаш йўли билан аниқланган. Бу усулда бир-бирини такрорлайдиган ва натижавий омил билан кучсизроқ боғланишда бўлган омиллар тузилаётган эконометрик моделга киритилмайди (4-жадвал).

#### 4-жадвал.

#### Корреляцион-регрессион таҳлилга киритилган омиллар қийматлари<sup>16</sup>

	Y(t)	X1	X2	X3	X4	X5	X6	X7	X8	X9	X10
2001	24,5	24965,9	110,2	71,8	13,3	45,6	41,1	65,8	30	122,3	188,9
2002	33,7	25427,9	116,1	102,2	12,8	47,1	41	66	36,4	147,4	216,6
2003	36,1	25707,4	104,2	98,5	11,4	44,2	40,9	66,1	34,3	169,6	255,9
2004	39,8	26021,3	109,7	113,7	9,5	42,7	40,7	66,5	35,4	177,6	271,1
2005	43,8	26312,7	107,9	138,2	8,2	38,7	40,5	66,9	39,8	152,7	250,6
2006	55,9	26663,8	116,8	164,4	9,6	35,8	39,8	67	41,3	157,8	268,6
2007	66	27072,2	111,4	200,9	10,7	32,6	39,4	67	42,5	155,5	267,9
2008	91,2	27533,4	120,2	261,2	11,5	33,5	39,1	67,2	42	169,2	279
2009	109,7	28001,4	105,7	385,9	12,3	34,2	38,7	67,5	44,1	185	304,2
2010	137,7	29123,4	110,2	530	12,8	34	38,2	67,5	43,6	178,5	307,2
2011	188,6	29555,4	116,4	941,9	13,7	36,7	38	67,6	45,3	182,7	311,3
2012	217,2	29993,5	108,7	108,7	16,5	35,6	37,9	68,1	44,6	198,5	319
2013	313,2	30123,3	110,3	133,4	17,4	37	37,7	67,7	45	225,9	386,2
2014	327,7	30492,8	112,8	144,5	19,2	36,8	37,5	67,6	45,3	257,1	428,6
2015	524,7	31567,4	114,4	137,5	20	45,8	37,2	67,7	45,3	283,3	464,5
2016	802,1	32121	108,3	164,6	22	45,6	37	67,8	45,4	287,2	546,3
2017	778,1	32653,9	98,6	200,4	22,5	45,2	36,9	67,8	45,2	290,4	552,5
2018	791,5	33410,4	99,4	202,4	23,4	46,1	37,1	68,1	45,8	292,8	554,1

Ҳисоблаш натижаларидан коэффициентлар миқдорини ифодаловчи  $R^2$  детерминация коэффициенти 0,956 га тенг бўлиши, натижавий омилнинг

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

танланган омиллар билан етарлича зич алоқада эканлиги, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори (Y) натижавий омилнинг 95,5 фоизи моделга киритилган омилларга боғлиқ эканлиги аниқланган, бунда ҳисобга олинмаган омиллар 4,5 фоизни ташкил этади.

2001-2018 йиллардаги статистик маълумотлар асосида истиқболли эконометрик модель тузилди. Бунинг учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорига таъсир этувчи  $X_1, X_2, X_4, X_6, X_7$ , ва  $X_8$ , омиллар олинди,  $X_5, X_9$ , ва  $X_{10}$  омиллар мултиколеанарлик мавжудлиги сабабли чиқарилди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни истиқболлаштириш республикаимиз аҳолисининг турмуш фаровонлиги ва сифатини янада ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлашнинг аниқ параметрларини ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади. Шунинг учун белгиланадиган истиқбол кўрсаткичлари аниқлик, ҳисоб-китоблилик, асосланганлилик, текширилганлик ва кўп омиллилик каби хусусиятларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг рационал параметрларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларда 2001-2018 йиллар маълумотларига асосланildi. 2019-2030 йиллардаги ўзгаришининг тренд модели асосида қуйидаги жадвал шакллантирилди (5-жадвал).


**5-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорига таъсир этувчи омилларнинг 2019-2030 йиллардаги истиқбол кўрсаткичлари<sup>17</sup>**

t	Y	$X_1$	$X_2$	$X_3$	$X_4$	$X_6$	$X_7$	$X_8$
2019	695.0111	33413.68	106.5144	290.3301	22.27516	36.15294	68.38628	49.08301
2020	741.3778	33909	106.1399	296.9134	23.05968	35.87255	68.50939	49.85607
2021	787.7444	34404.32	105.7654	303.4966	23.8442	35.59216	68.63251	50.62914
2022	834.1111	34899.64	105.3908	310.0799	24.62872	35.31176	68.75562	51.4022
2023	880.4778	35394.95	105.0163	316.6632	25.41324	35.03137	68.87874	52.17527
2024	926.8444	35890.27	104.6418	323.2465	26.19776	34.75098	69.00185	52.94833
2025	973.2111	36385.59	104.2673	329.8297	26.98228	34.47059	69.12498	53.7214
2026	1019.578	36880.91	103.8928	336.413	27.7668	34.1902	69.24809	54.49446
2027	1065.944	37376.22	103.5183	342.9963	28.55132	33.90981	69.37121	55.26753
2028	1112.311	37871.54	103.1438	349.5796	29.33584	33.62941	69.49432	56.04059
2029	1158.678	38366.86	102.7693	356.1629	30.12037	33.34902	69.61744	56.81366
2030	1205.044	38862.17	102.3948	362.7462	30.90488	33.06863	69.74055	57.58672

Бунинг учун мамлакатнинг 2001-2018 йиллардаги асосий макроиқтисодий ва статистик кўрсаткичларга асосан 2030 йилгача бўлган даврдаги ишлаб чиқилган тренд модели ва унинг “аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори”га нисбатан ўзгариш графиги тузилди. У 6-расмда акс эттирилган.

<sup>17</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган.



**б-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори<sup>18</sup> (минг сўм)**

Хулоса қилиб атадиган бўлсак, аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори 2030 йилга бориб 1205 бирликкача ўсиш эҳтимоли мавжуд. Албатта, ушбу натижалар аввалги йиллардагига нисбатан ўзгариши вақт омили таъсирига боғлиқ. Улар ҳукумат қарорлари ва иқтисодий ўзгаришлар таъсирида ҳам кескин ўзгариши мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, прогноз қилинаётган даврда (2020-2030 йиллар) республикамизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори 2,9 марта, доимий аҳоли сони 17,7 %, жами озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш динамикаси 2030 йилда олдинги йилдагига нисбатан 6,3 %, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг улуши 44,6 %, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг улуши 0,7 %, озиқ-овқат саноатида банд бўлган ходимларнинг ўртача сони 0,5 %, қишлоқ хўжалиги экинлари орасида дон экинлари ҳосилдорлиги 0,9%, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,2 марта, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 мартага ошиши ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларида техника экин майдонлари (пахта етиштириш) ҳажми 3,1 фоизга қисқаришига эришилиши асосланган.

Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш ва таъминлашнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш ва самарали амалга ошириш иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқлим ўзгаришига мослаштириш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этувчи, яъни озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги ҳамда хўжалик юритиш тизими мутаносиблигини таъминлаш имкониятини яратади. Шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, мазкур концептуал йўналишлар қуйидагиларда ўз аксини топмоғи лозим:

<sup>18</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган.

## ***1. Соҳага тегишли ҳуқуқий ва меъёрий асосларни такомиллаштириш йўналишида:***

Озиқ-овқат таъминоти комплекс чора-тадбирларни ўзи ичига олганлиги, шунингдек, ўз навбатида ушбу вазифаларни бажариш турли давлат-нодавлат идораларга юклатилганлиги, яъни турли идоравий мансубликдаги ташкилот ва идоралар вазифаларини мувофиқлаштирувчи орган йўқлиги уларнинг ижросини самарали ташкил этиш имконини бермайди. Шу боис, бизнингча озиқ-овқат соҳасида ва иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ тармоқларида стратегик мақсадларни ва устувор йўналишларни белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Зеро, ушбу қонун инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, яшаш ҳуқуқини таъминловчи зарур шарт сифатида қаралувчи халқаро ҳуқуқ ривожланиши бўйича қонунчилик тизимида ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг истиқбол учун мўлжалланган қонунчилик базаси қуйидаги вазифаларни ўз ичига олиши лозим:

– инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда зарур шарт сифатида “озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчаси, уни баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари маъносини тўлиқ очиқ берувчи ва ижроия ҳокимияти зиммасига Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини юклаш;

– юридик, ташкилий-бошқарув ва молиявий даражада қабул қилинган бюджетнинг ижро этилишини кафолатловчи бюджетни бошқариш тизимини такомиллаштириш. Ижроия ҳокимиятининг бюджет тўловларини олувчилар олдида бюджет ижроси учун молиявий жавобгарлиги механизмининг ҳуқуқий асосларини яратиш;

– ишлаб чиқаришнинг реал секторини рағбатлантирувчи, қишлоқ хўжалигининг тармоқ хусусиятларига мослашган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан, қатор солиқларни тупроқ-иқлим шароитига қараб табақалаштириш;

– бюджетни бошқариш тизими билан боғлиқ барча даражаларни ўрта муддатли режалаштириш ва дастурлаштириш тизими. Дастурий ҳужжатлар тегишли даражада қонунлар мақомига эга бўлиши керак;

– АСМ ва озиқ-овқат соҳасида тармоқ учун ўзига хос бўлган муносабатларни тартибга солувчи тармоқ даражасидаги қонунлар.

Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонун нормаларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг айрим қоидаларида ўзаро номувофиқлик мавжуд. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидаги тегишли моддаларни ва "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Бундан ташқари, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузувчи айрим хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни ҳам қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

## ***2. Истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш йўналашида:***

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши озиқ-овқат истеъмолчилари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Шу боис, бизнингча:

– истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши, қонуний манфаатларига путур етказилиши кўп жихатдан уларнинг ҳуқуқий онги юксак даражада эмаслиги билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларида амалга оширилаётган тарғибот ишлари кўламини янада кенгайтириш лозим. Фикримизча, ушбу йўналишда эфир вақтини реклама билан боғлаш керак. Чунки реклама ҳам истеъмолчига қаратилган бўлиб ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар манфаатларига хизмат қилади;

– истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида нодавлат-нотижорат ташкилотларининг роли ортиб бораётганлигини эътироф этган ҳолда улар фаолиятини янада ривожлантириш зарурати мавжуд. Бунинг учун нодавлат-нотижорат ташкилотларининг жамоат назорати самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ;

– тўлов терминалларини ўрнатишни тартибга солувчи норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини қайта кўриб чиқиб, қишлоқ жойларида яшовчи фуқароларга пластик карточкалар орқали савдо қилиш имкониятини яратувчи ўзгартириш киритиш лозим. Жумладан, қишлоқ жойларида кўчма савдо шаҳобчалари тўлов терминаллари билан савдо қилишини белгиловчи қоидалар киритиш таклиф этилади;

– давлат органларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида статистик маълумот юритиш шаклларини жорий қилиш зарур. Жумладан, Ўзбекистонда истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши ёки ҳимоя қилиниши даражаси ҳар йили муҳокама қилиниши амалиётини жорий қилиш ва унинг натижаларини кенг омма танишиши учун (интернетда) чоп этиш лозим.

## ***3. Чекланган ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналашида:***

Қишлоқ хўжалиги ерларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, экин турларини минтақа ва ҳудудлар бўйича жойлаштиришнинг илмий асосланган дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг, шу жумладан, суғориладиган ерларнинг кескин қисқаришига йўл қўймаслик мақсадида жойларда ер мониторингини мунтазам ва тизимли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалик экинларидан сифатли ва юқори ҳосил етиштиришнинг асосий омили тупроқ унумдорлиги ҳамда унинг агрокимёвий хоссалари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинларини экишдан олдин, аввало, тупроқнинг озуқа элементлари (ҳаракатчан фосфор, алмашувчан калий ва гумус) билан таъминланганлик даражасини лаборатория таҳлилларидан ўтказиш, минерал ўғитларга бўлган илмий талабини ишлаб чиқиб, табақалаштирилган ҳолда

киритишни таъминлаш экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва сифатли маҳсулот етиштиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Узоқ йиллар давомида минерал ўғитлар ва кимёвий воситалардан тупроқнинг таъминланганлик ҳолатини инобатга олмасдан фойдаланиб келинганлиги, ўз навбатида, тупроқнинг унумдорлик даражаси ва ҳосилдорлик пасайишига, атроф-муҳит ифлосланишига ва етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати ёмонлашишига олиб келди. Хусусан, бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини назорат қилиш бўйича ягона тизим йўқлиги сабабли етиштирилган маҳсулотлар хавфсизлик кўрсаткичлари лаборатория таҳлилларидан ўтказилмасдан тўғридан-тўғри истеъмолга чиқарилаётганлиги сабабли инсонлар саломатлигига жиддий зарар етказмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча:

– озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир кўрсатиш даражаси сифатида қишлоқ хўжалиги экинларининг минерал ўғитларга бўлган илмий талабини ишлаб чиқиш ҳамда минерал ўғитлардан табақалаштирилган ҳолда фойдаланиш;

– етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қўлланиладиган кимёвий воситалар регламентларини тартибга солиш ва қўллашни назорат қилиш ҳамда маҳсулотни истеъмолга чиқаришда унинг таркибидаги нитрат, пестицидлар ва оғир металл тузлари қолдиқ миқдорларини лаборатория таҳлилларидан ўтказиш тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий тармоқ бўлган қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилиши кўп жиҳатдан сув ресурслари қай даражада мавжудлигига ва улардан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Шу боисдан ҳам сув ресурслари мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, сувнинг қатъий ҳисоб-китобини жорий этиш, суғориш тармоқларининг техник, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тизимда автоматлашган бошқарув ва кузатув тизимини яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни диверсификациялашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Диссертацияда айнан шу жиҳатларга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

## ХУЛОСА

1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича назарий концепцияларни умумлаштириш асосида “хавфсизлик”, “иктисодий хавфсизлик”, “озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳияти, уларнинг элементлари, ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш асосида “озиқ-овқат хавфсизлиги” атамасига такомиллашган муаллиф таърифи берилган, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашни ўзида акс эттирувчи ички ва ташқи таҳдидлар таснифи ишлаб чиқилган ҳамда унинг вазифалари, таъминланганлик даражалари аниқланган.

2. Диссертацияда хорижий давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажрибалари тадқиқ қилиниб, уларнинг қуйидаги муҳим жиҳатлари ва аҳамиятга молик томонларини республикаimiz иқтисодиётига жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган:

– қишлоқ хўжалигида йирик ишлаб чиқариш, оилавий фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустақкамлаш учун субсидиялаш ажратиш (АҚШ тажрибаси);

– кам таъминланган аҳоли, болалар, пенсионерларни озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлашга қаратилган ижтимоий дастурлар, рационал овқатланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш (АҚШ тажрибаси);

– мамлакатнинг узок ҳудудларида яшовчи аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлашни кўллаб-қувватлаш (Канада тажрибаси);

– анъанавий ишлаб чиқариш усулидан органик усулга ўтиш даврида махсус мукофот (субсидия) бериш асосида эко-корхоналарни ташкил этишни рағбатлантириш (Германия тажрибаси);

– озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини ва ташқи атроф-муҳитни сақлаш бўйича давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликка асосланган ҳамкорликни йўлга қўйиш (Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибаси);

– озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” қонунни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш (Япония, Россия, Белоруссия тажрибалари);

– асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатлари ўстиришни рағбатлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларига сифат стандартларини жорий этиш, асосий қишлоқ хўжалиги экин турларини минтақалар бўйича жойлаштириш, қишлоқ аҳолисининг умумий ва ихтисослик бўйича билимларини ошириш (Хитой Халқ Республикаси тажрибаси).

3. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми – давлатга озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини барқарорлаштиришга имкон берувчи ягона ҳуқуқий меъёрлар асосида тартибга солинадиган механизмга бирлашган, халқаро, миллий ва минтақавий даражаларда ўзаро боғланган ташкилий шакллар ва иқтисодий усуллар йиғиндисидир. Миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми ўз ичига халқаро, миллий ва минтақавий даражадаги хавфсизлик субъектларини, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастакларини, тамойилларини ва уни баҳолашни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражасини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, уларни мониторинг қилиш ҳамда мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда дастурларга тузатишлар киритишни олади.

4. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми учта муҳим жабҳани, яъни агросаноат мажмуасида озиқ-овқат ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва рағбатлантириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эришишини ва истеъмолини таъминлаш ва бу борадаги имкониятларини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини бошқаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириб бориш бўйича дастак ва чора-тадбирларни ўз ичига олади.

5. Диссертацияда озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш бўйича жаҳон миқёсида тан олинган асосий методикалар таҳлил қилинган (ФАО), (GFSI). Уларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг тармоқли иқтисодий ислоҳотлар самараси натижасида ушбу комплекс кўрсаткичлар бўйича (озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий мақбуллик, мавжудлилик ва етарлилик, сифат ва хавфсизлик даражаси) ижобий тенденциялар кузатилаётганлиги аниқланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш индикаторлари ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқиши зарурлиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда услубий асос бўлиб хизмат қилиши асосланган. Бунда жаҳон миқёсида тан олинган юқорида қайд этилган методикалар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган бир кишига кунлик энергетик қувват эҳтиёжи меъёрлари асос сифатида қабул қилиниб, мамлакатимизнинг миллий ёки минтақавий хусусиятлари, шунингдек, маҳаллий аҳолининг фаровонлиги даражаси ҳисобга олинган.

6. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий базаси унинг энг муҳим механизми сифатида иштирок этади. Шу боис, республикаимизда ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва чуқурлашуви жараёнида амалдаги қонунчилик-норматив ҳужжатлари замон талабларидан келиб чиқиб доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирги пайтда конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишнинг зарур шарти сифатида мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий ва жисмоний эгаллик қилиш имконияти масалалари муайян хусусиятга эга эмас. Чунки инсоннинг овқатланиш ҳуқуқларини таъминлаш механизми унда етарлича аниқ ишлаб чиқилмаган ва “озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчаси умумий қабул қилинган халқаро ҳуқуқлар билан етарлича мувофиқлашмаган. Шунингдек, озиқ-овқат таъминоти комплекс чоратадбирларни бажаришни ўзи ичига олганлиги, ўз навбатида, ушбу вазифаларни бажариш турли давлат-нодавлат идоралар ва кўмиталарга юклатилганлиги, яъни турли идоравий мансубликка тегишли ташкилот ва идоралар вазифаларини мувофиқлаштирувчи орган йўқлиги ушбу вазифалар ижросини самарали ташкил этиш имконини бермайди.

7. Таҳлиллар аграр соҳадаги ислоҳотлар озиқ-овқат хавфсизлигига эришишдаги мавжудлилик ва етарлилик жиҳатидан ижобий тенденциялар кузатилганлигини кўрсатади. Яъни, мустақиллик йилларида пахта экин майдони 33,5 фоизга, озуқа экинлари майдонлари 2,4 мартага қисқарган бўлса, ғалла экин майдонлари мос йилларда 2,6, картошка – 2 мартага, сабзавот маҳсулотлари етиштирилаётган майдонлар эса 22 фоизга ошган. Шунга мос равишда дон маҳсулотлари етиштириш 3,3 мартадан зиёдга, картошка – 7,7, мева ва резаворлар – 5, узум – 3,2, сабзавот маҳсулотлари – 2,9, полиз маҳсулотлари етиштириш эса 2 мартага кўпайган, пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳажми эса 2 мартадан зиёдга камайган. Чорвачиликда моллар бош сон бўйича ошиш тенденцияси кузатилган: йирик шохли қорамоллар сони 2,4,

сигирлар сони эса 2 баробардан ортиққа, кўй ва эчкилар ҳамда паррандалар сони 2 баробардан зиёдга ошган.

Натижасида аҳоли жон бошига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши бу борадаги кўрсаткичларнинг рационал истеъмол меъёрларига нисбатан бирмунча яқинлашишига, дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари бўйича эса ошиб кетишига олиб келди.

Диссертацияда ушбу ижобий тенденциялар мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигига тўлиқ эришилганлигини билдирмаслиги асосланган ҳамда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигига эришишга тўсик бўлувчи ички ва ташқи таҳлидларнинг сақланиб қолиш тенденциялари аниқланган.

8. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида миллий иқтисодий ривожланиш тенденцияси таъминланиб, барқарорликка эришилганлиги, аҳоли даромадлари муттасил ошиб борганлиги ҳамда инфляция даражаси тартибга солиниши туфайли асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига истеъмоли бўйича рационал меъёрларга қиёслаганда ҳақиқий истеъмол даражалари ҳам ошиб бориш тенденциясига эга бўлди. Нон ва нон маҳсулотларининг аҳоли жон бошига истеъмоли эса рационал меъёрлар даражасидан ҳамиша юқори бўлган. Меъёрлар даражаларига нисбатан сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмоли мос равишда 197,6 % ва 206,7 %, мева ва резаворлар 180,8% ва 175,4%, ўсимлик ёғи 183,6% ва 263,7 фоизга юқори бўлишига эришилган. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, картошка истеъмоли даражаси эса рационал истеъмол меъёрлари даражасидан анча паст.

9. Аҳоли даромадлари таркиби турли ижтимоий гуруҳларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан эришиш имкониятларини кўрсатади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсат амалга оширилиши натижасида аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган пул даромадлари, иш ҳақи ва пенсиялар ўсишининг ижобий динамикаси вужудга кела бошлади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига иқтисодий жиҳатдан эришиш имкониятларини белгилаб берувчи омиллардан бири бу маҳсулотлар нархларининг ўзгариши динамикаси ҳисобланади. Ўртача йиллик истеъмол нархлари индекси 2005-2016 йилларда 106,9 фоизни, 2017 йилда 114,4 фоизни, 2018 йилда 114,3 фоизни ташкил этгани ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари индекси шунга мос равишда 103,8%, 115,9%, 114,9 фоизни ташкил қилган. Ушбу ҳолат ойлик иш ҳақининг харид қобилияти пасайишига, бу эса, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражаси пасайишига ва озиқ-овқат рационали таркибида ҳайвон оқсилларини истеъмол қилишнинг паст даражаси сақланиб қолишига олиб келмоқда.

10. Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашда аҳолининг озиқ-овқат шахсий истеъмоли маданияти ҳам муҳим омил саналади. Ижтимоий сўров натижаларига кўра, 47,6 % респондент тўғри ва соғлом овқатланиш бўйича маълумот ва тасаввурга эгаллиги, тўғри ва соғлом овқатланиш тартибига иштирокчиларнинг 33,2 фоизи риюя қилиши, аммо 39,3 фоизигина овқатланиш

режимига эгаллиги, уларнинг фақат 65,8 фоизигина режимга қатъий риоя этиб, қолганлари риоя этишмаслиги ёки имконият ва вазият тақозасидан келиб чиқиб риоя этиши аниқланган. Бизнингча, аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг соғлом овқатланиш маданиятини ошириш учун уларнинг соғлом овқатланиш бўйича тушунча ва кўникмаларини, маданиятини ошириш, соғлом овқатланиш, хавфсиз озиқ-овқат ҳамда истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоялашни кучайтириш; тиббиёт олийгоҳлари ва ўрта махсус таълим муассасаларида диетолог врачлар ва ҳамширалар тайёрлашни кенгайтириш; озиқ-овқатлар ҳамда масалликларнинг калорияси ва уларни ҳисоблашнинг оддий усуллари тўғрисидаги маълумотларни турли кўринишларда аҳолига етказиш ишларини олиб бориш ва ҳ.к. ларни амалга ошириш лозим.

11. Диссертацияда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасини ривожлантиришнинг прогноз параметрлари асосланган. Прогноз қилинаётган даврда (2019-2030 йиллар) республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори 2,9 марта, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,2 марта, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 мартага ошиши ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларида техника экинлари майдонлари (пахта етиштириш) ҳажми 3,1 фоизга қисқаришига эришилади. Саноатда озиқ-овқат истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси кўрсатишича истиқбол йилларида мол ёғи (164,0 %), мева-сабзавот консервалари (112,0 %), маргарин маҳсулотлари (129,6 %), қанд-шакар (151,7 %), табиий чой (168,3 %), ош тузи (110,2 %) ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлди.

12. Диссертацияда озиқ-овқат соҳасида ва иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ тармоқларида стратегик мақсадларни ва устувор йўналишларни белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш таклиф этилган ва бу борадаги қонунчилик базаси вазифалари ишлаб чиқилган. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизминини янада такомиллаштириш мақсадида ҳудудларда озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг ягона электрон порталини шакллантириш имкониятини берувчи тизим яратилиши асосланган. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланган озиқ-овқат истеъмолчилари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.01.2020.1.10.03 ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА  
им. МИРЗО УЛУГБЕКА**

**САИДАХМЕДОВА НОДИРА ИЛХОМОВНА**

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ И  
ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ  
ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

**08.00.04 – Экономика сельского хозяйства,  
08.00.01-Экономическая теория**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2020**

**Тема докторской диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан В.2020.1.DSc/Iqt.95.**

Докторская диссертация выполнена в Узбекском национальном университете имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:**

**Назарова Фатима Хакимовна,**  
доктор экономических наук, профессор

**Абулкасимов Хасан Пирназарович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Гулямов Саидахрор Саидахмедович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Хасанов Рустам Раббимович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Умаров Сухроб Рустамович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Министерства сельского хозяйства Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_:\_\_\_ ч. на заседании научного совета DSc.27.06.2017.I.10.03 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по присуждению ученых степеней. Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кари-Ниязий, дом 39. Тел.: (99871) 237-46- 68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный № \_\_\_\_\_). Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кари-Ниязий, дом 39. Тел.: (99871) 2371945, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол реестра № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**У.П. Умурзаков,**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**Б.Ф. Султанов,**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.э.н.

**Н.С. Хушматов,**  
Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Социально-экономические и политические процессы и реалии, происходящие в мире, которые представляют для него угрозу, являются основными факторами, составляющие угрозу обеспечению продовольственной безопасности в странах. Что отражается в возникновении глобальных экономических, финансовых, аграрных кризисов, сокращении международных продовольственных рынков и роста цен на них, с одной стороны, и в сохранении тенденции снижения посевных площадей сельскохозяйственных культур в условиях увеличения численности мирового населения и усиления процесса урбанизации, с другой. Поэтому на повестке дня совещания с участием государств-членов ООН в сентябре 2015 года были приняты глобальная программа развития тысячелетия и цели устойчивого развития на период до 2030 года. Одной из задач, поставленных в целях этой программы, является «ликвидация голода, обеспечение продовольственной безопасности, улучшение питания и содействие устойчивому развитию сельского хозяйства<sup>19</sup>».

Увеличение объемов производства опасной продукции в результате широкого применения различных антибиотиков, гормонов и аналогичных вредных для здоровья человека компонентов в процессе производства пищевых продуктов с целью получения высоких доходов на мировом рынке в условиях глобального потепления климата, глобализации экономики, распространения вредителей растений и различных опасных вирусов еще более усугубляет данную проблему. В частности, с 2020 года вопрос выращивания и доставки основных видов сельскохозяйственной и продовольственной продукции для потребления населением считается наиболее актуальной задачей в глобальном масштабе в контексте эпидемиологических рисков, то есть в связи с пандемией COVID-19. Конечно же, в этой ситуации в результате «панических закупок», наблюдаемых во многих государствах, исчезновение основных видов продовольственных товаров в торговле, меры основных стран-экспортеров по прекращению экспорта этих товаров, в некоторых государствах, приводят к нестабильности цен на продукты. В частности, в Китае за аналогичный период (январь-февраль), когда были приняты меры против распространения коронавируса, цены на продовольствие выросли на 21,2% по сравнению с январем-февралем предыдущего года<sup>20</sup>. Поэтому вопрос обеспечения продовольственной безопасности в странах мира напрямую связан с устранением этих проблем, которые наблюдаются в глобальном масштабе.

С первых лет независимости вопросы продовольственной безопасности занимают одно из центральных мест в социально-экономической политике Узбекистана. Поэтому в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистана в 2017-2021 годах была поставлена задача:

---

<sup>19</sup> Сайт Организации Объединенных Наций [электронный ресурс]. URL: [www.un.org/sustainable-development/ru/issues/people/hunger/](http://www.un.org/sustainable-development/ru/issues/people/hunger/) сайта.

<sup>20</sup> Сайт организации Wind Data Service, специализированной на финансовых новостях <https://www.wind.com.cn/en/data.html>

«Модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства: углубление структурных реформ и динамичное развитие сельско-хозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора»<sup>21</sup>. Кроме того, начало действий по вступлению нашей страны во Всемирную Торговую Организацию свидетельствует о том, что проблема обеспечения продовольственной безопасности является одной из актуальных не только на территориальном или национальном, но и на международном уровне. В связи с этим оценка продовольственной безопасности, исследование научно-теоретических и методологических аспектов ее обеспечения, а также проведение исследований по обоснованию приоритетных направлений считаются актуальными проблемами в данной области.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5303 от 16 января 2018 года «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны», №УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 - 2030 годы», №УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», постановлениях Кабинета Министров № 205 от 3 марта 2018 года «Об организационных мерах по эффективному пользованию земельными участками дехканских хозяйств и приусадебных земель», № 324 от 17 апреля 2019 года «О мерах по повышению эффективности использования земельными участками дехканских хозяйств и приусадебных земель» и других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации**<sup>22</sup>. Научные исследования по вопросам обеспечения продовольственной безопасности осуществляются ведущими мировыми научными центрами и высшими учебными заведениями. Среди них – Food and Agriculture Organization (FAO), World Trade Organization (WTO), Organization for Economic Cooperation and De-

---

<sup>21</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Приложение 1.

<sup>22</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации проведен на основании: OECD. Closing the Gender Gap: Act Now, OECD Publishing. 2012. <http://dx.doi.org/10.1787/9789264179370-en>; OECD. The ABC of Gender Equality in Education: Aptitude, Behaviour, Confidence, PISA, OECD Publishing. 2015. // URL: <http://dx.doi.org/10.1787/9789264229945-en>; Gabay-Egozi L., Shavit Y., Yaish M. Gender Differences in Fields of Study: The Role of Significant Others and Rational Choice Motivations // European Sociological Review. 2015. Vol. 31. No. 3. P. 284-297.; MOT, Statistical Definition of Informal Employment: Guidelines Endorsed by the 17 th International Conference of Labour Statisticians, 2003г. Gender profile in UK patenting. An analysis of female inventorship. 2016. URL: [https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment\\_data/file/514320/Gender-profiles-in-UK-patenting-An-analysis-of-female-inventorship.pdf](https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/514320/Gender-profiles-in-UK-patenting-An-analysis-of-female-inventorship.pdf). и т.д.

velopment (OECD), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA), United Nations Development Programme (UNDP) (ПРООН), Stanford Junior University (АКШ), Oxford University (Англия), The Chinese University of Hong Kong (СУНК), Институт экономики РАН (Россия), Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации (Россия), Казахский национальный университет имени аль Фараби (Казахстан), Институт экономики Национальной академии Беларуси (Белоруссия), Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан).

На основе проведенных в мире исследований в сфере изучения системы обеспечения продовольственной безопасности, ее оценки и совершенствования, продовольственной и сельскохозяйственной организацией ООН (ФАО) разработаны принципы, критерии и показатели устойчивого производства продовольствия и ведения сельского хозяйства, а также методические рекомендации по определению уровня питания населения; транснациональной компанией Dupon Economist Intelligence Unit (Великобритания, США) внедрена политика стран мира в области продовольственной безопасности, рекомендована методология, где индекс формируется по уровню, достигнутому в этой сфере; Всемирной организацией здравоохранения разработаны нормы фактического уровня потребления на душу населения и нормы суточной энергетической потребности в расчете на одного человека.

Сегодня исследования в сфере обеспечения продовольственной безопасности в мировом масштабе осуществляются по следующим приоритетным направлениям: комплексная оценка состояния продовольственной безопасности в странах; отбор генома растений в условиях глобального изменения климата в сельском хозяйстве на основе региональной оценки ожидаемого изменения климата; обеспечение продовольственной безопасности на основе обеспечения населения экологически чистыми продуктами питания и др.

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования по проблемам экономической безопасности, в том числе продовольственной, становятся все более актуальными в условиях интенсификации глобальных процессов в рыночной экономике и мировой экономической системе. Проблемы экономической безопасности, включая проблемы продовольственной безопасности в странах Содружества независимых государств исследовались в научных работах таких ученых, как М.Г.Алимжанова, А.Н.Анищенко, К.М.Бекмухамедова, А.М.Жондарев, Л.П.Гончаренко, А.А.Кайгородцев, А.В.Колосов, Э.Н.Крылатых, А.А.Лысоченко, В.З.Мазлова, Н.В.Межонова, В.И.Назаренко, Е.А.Олейников, В.К.Сенчагов, Т.В.Ускова, И.Н. Фурс<sup>23</sup> и др. В их работах по-

